



THE ROLE OF THE SPIRITUAL HERITAGE OF KHOJA AHMAD YASSAWI IN THE FORMATION OF DEVELOPED GENERATIONS

Khamzaev Shavkat Abdirasulovich

Basic doctoral student of the Samarkand State Institute of Foreign Languages.
e-mail: shavkatxamzayev84@gmail.com

<https://doi.org/10.5281/zenodo.5324338>

ARTICLE INFO

Received: 15th August 2021
Accepted: 20th August 2021
Online: 25th August 2021

KEY WORDS

spiritual heritage,
"wisdom", lust, spiritual
cleansing, perfect man,
mystical teachings, lust,
morality, perfection.

ABSTRACT

This article describes the importance of such factors as spiritual cleansing, self-control, strengthening the will and self-education in the spiritual heritage of Khoja Ahmad Yassavi in the upbringing of a harmoniously developed person today.

ХОЖА АҲМАД ЯССАВИЙ МАЊНАВИЙ МЕРОСИНИНГ БАРКАМОЛ АВЛОД ТАРБИЯСИДАГИ ЎРНИ

Хамзаев Шавкат Абдирасулович

Самарқанд давлат чет тиллар институти бўйича таянч докторанти.
e-mail:shavkatxamzayev84@gmail.com

MAQOLA TARIXI

Qabul qilindi: 15-avgust 2021
Ma'qullandi: 20-avgust 2021
Chop etildi: 25-avgust 2021

KALIT SO'ZLAR

Маънавий мерос,
"Ҳикматлар", нафс, руҳий
покланиш, комил инсон,
тасаввуф таълимоти,
нафс, одоб-ахлоқ,
камолот.

ANNOTATSIYA

Мазкур мақолада Хожа Аҳмад Яссавийнинг маънавий меросидаги руҳий покланиш, нафсни тийиш, уродани кучайтириш, ўзини қайта тарбиялаш каби омиллар бугунги кунда баркамол инсонни тарбиялашдаги аҳамияти баён қилинган.

Мамлакатимизнинг тараққиёт йўллари ва жамият аъзолари шу давлатнинг муносиб фуқарolari этиб тарбиялашнинг режаларини белгилар

эканмиз, асослари умуминсоний ва этник қадриятларга бориб тақалувчи динни, унинг моҳиятини англашга хизмат қилган тасаввуф таълимотининг



ўрнини билишимиз лозим. Биринчи Президент И.А.Каримов таъкидлаганидек, “Дин оламда ишонч ҳиссини мустаҳкамлаган. Уларни поклаб, юксалтирган. Ҳаёт синовлари, муаммо ва қийинчиликларини енгиб ўтишларида куч бағишлаган. Умуминсоний ва маънавий қадриятларни сақлаб қолиш ҳамда авлоддан-авлодга етказишга ёрдам бериб келган”[1;-Б.35].

Таъкидлаш керакки, сўфийликда инсон комиликка эришиш учун шариат, тариқат, маърифат, ҳақиқат босқичларини босиб ўтиши керак. Ушбу босқичлар ўзаро алоқадор бўлиб, устоз ва шогирд орасида инсоний муносабатларнинг йўлга қўйилиши баркамол инсон даражасига кўтарилишининг муҳим шарт ҳисобланади. Хожа Аҳмад Яссавий илм-маърифат инсонга оламни танитиши, илм билан тажриба узвий боғлиқ бўлиши, тарбия ва илмдан ҳосил бўладиган яхши хулқ-одоб инсонга икки дунёда ҳам кераклигини тушунтиришга алоҳида эътибор қаратади. Мутасаввуф шахсни ахлоқий шакллантирувчи омил сифатида, энг аввало, устозни қўяди. Айни пайтда ёшлар тарбиясини ўз зиммасига олган устозлар олдига ҳам қатъий ва юксак талабларни қўяди. Хожа Аҳмад Яссавий “Ҳикматлар” асарида шахсни ахлоқий шакллантирувчи энг муҳим омил бу, ўзини-ўзи танқидий баҳолай олувчи бир мавжудот эканлигини таъкидлаб, инсонни ёмонликдан нафратланувчи, эзгуликни ҳимоя этувчи таърифлайди[2; – Б.51-193- 221]

Хожа Аҳмад Яссавийнинг эзгулик ҳақидаги жўшқин нидолари, комил инсон тарбиясига таъсир қилувчи омил

сифатида замондошлари ва бугунги ёш авлодни ҳам фақат яхшилик, меҳнатсеварлик, улуғлик, мардлик, поклик, илмсеварликка ундайди. Хожа Аҳмад Яссавий комил инсонларни “доно мутафаккирлар” деб тушунган. Хожа Аҳмад Яссавий фикрларида комил инсон ўзидаги мардлик, донолик, оят ва ҳадисларни тушуниб етиш, нафсни ҳар қандай ҳолатда тийиб тура олиш каби инсоннинг заиф томонларини “тарбия” орқали тўғирлашни айтиб ўтади[3;-Б.40].

Демак, юқорида келтирилган бир қатор ҳикмат, панду-насиҳатлардан кўриниб турибдики, мутасаввуф учун ёшларнинг комил инсон бўлиб шаклланиш асосини руҳий покланиш, нафсни тийиш, иродани кучайтириш, ўзини қайта тарбиялаш каби омиллар ташкил қилади. Буларнинг барчаси ҳар қандай давр учун шахс маънавияти, дунёқараши, руҳий ҳолатлари билан боғлиқ муҳим тушунчалардир. Инсонинг баркамол шахс, сифатларига эга бўлиб шаклланишида биологик омиллардан ташқари, у тарбияланаётган жамият, у яшаётган ижтимоий муҳитнинг таъсири, аҳамияти муҳим ҳисобланади. Аҳмад Яссавий ҳикматларида комил инсонни шакллантиришда инсонпарварлик, халқпарварлик ғояси кенг ва теран мақомларда ифодаланган[4;-Б.31].

Хожа Аҳмад Яссавийнинг инсон камолоти ҳақидаги фалсафий-тасаввуфий қарашлари имон, эътиқод, Оллоҳни англаш, қалб поклиги, ахлоқ поклик, ниятнинг холислиги каби яна бир қанча маънавий устунлар асосига қурилган эди. Мутасаввуф шоир ҳикматларида бундай сифатларсиз шахс камолотига эришиб бўлмаслигини



доимий таъкидлайди. Аҳмад Яссавийнинг ҳаёти ва фаолиятдан кўриниб турибдики, инсоннинг ижтимоий мавжудот сифатида шахс номини олиши учун унга ижтимоий муҳит, иқтисодий эҳтиёж, таълим-тарбия, одоб-ахлоқ, ирсият ва ўзининг мустақил фаолияти керак экан. Тадқиқотчилр фикрига кўра Яссавий ҳикматларида, исломий яъни диний-тасаввуфий ва ахлоқий-дидактик мавзулар муҳим ўрин эгаллайди. Аҳмад Яссавий ҳикматларда ўз қарашларини тарғиб этишда гуманистик тушунчаларга (халққа хизмат, қаноат, ростгўйлик, жасорат, ватанпарварлик, меҳмоннавозлик, жўмардлик, устозга ҳурмат, вафо, ахлоқ) таянган. Шунинг учун ҳикматларни туркий халқлар ичида ёшу-қари ўқиган, ҳар бир авлод вакиллари улардан ўзларига яраша сабоқ олган. Яссавийнинг ижтимоий-фалсафий қарашларида Ватан меҳри, ақл идрок, юксак ахлоқий тушунчалар илгари сурилган. Аҳмад Яссавий издошларининг ҳикматлари бугунги Марказий Осиё халқнинг маънавий-руҳий талабларига тўла жавоб бера олишига ишончимиз комил. Демак, хулосамизга кўра ҳикматларнинг асрлар давомида яшаб келаётганлигининг сабаби уларда инсонпарварлик ва манавий-ахлоқий моҳиятнинг устунлигидир. Шунинг учун ҳам ҳикматларнинг мазмун-моҳияти ҳар бир авлод томонидан ўқиб-ўрганилмоқда ва бугунги баркамол авлодни шаклланишида муҳим рол ўйнайди.

Хожа Аҳмад Яссавийдаги мукамал инсоний фазилатлар ислом нури, шариат ва тариқат шафоати туфайли

эканлиги ҳаёти, фаолиятидаги воқеа, ҳодисалар мутасаввифнинг маънавий меросида баён этилди. Хожа Аҳмад Яссавийнинг таъкидлашича, комил инсон ҳақиқий илмларни эгаллаган ва ўзгаларни ҳам комил инсон бўлишга ёрдам берувчи кишидир каби ижтимоий-фалсафий фикрларини ўғит сифатида келажак авлодга етказилиши зарурдир. Мутасаввифнинг комил инсон ҳақидаги қарашлари ижтимоий-ахлоқий тафаккур ривожланишида прогрессив роль ўйнаганлигини алоҳида таъкидлаш зарур.

Хожа Аҳмад Яссавийнинг гуманистик қарашларида, инсонийлик ҳақиқатини англаш, ўз нафсини тийиш ва унга қарши курашиш йўлларини ўргатади. Хожа Аҳмад Яссавий комил инсонни тарбиялашда зоҳирий илм инсонни дунёвий ҳаёти мезонларини белгилаши ботиний эса руҳий камолотга етказувчи илм эканлигини, ҳар иккала илм ҳам инсонни руҳан ва жисмонан баркамол қилишини таъкидлайди ва бу илмлар устозлар ёрдамида ўргатилишини таъкидлаб ўтади.

Хулоса қилиб айтганда, Хожа Аҳмад Яссавийнинг комил инсонни шакллантиришда, муҳим ҳисобланувчи “нафс”, “одоб ва ахлоқ” каби маънавий мезонларидан халқ таълими тизимида “Тарбия” фанини ўргатиш жараёнида фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.

Буюк мутасаввифнинг маънавий меросини мазмун-моҳиятини, Ватанимиз келажакини яратувчи ёш авлодга тақдим этсак, жамиятимизнинг маънавий-ахлоқий барқарорлигига муносиб тарзда ҳиссамизни қўшган бўламиз.



Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Каримов.И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т. Ўзбекистон, 1997. – Б. 35.
2. Аҳмад Яссавий. Ҳикматлар. - Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1991. – Б.51-193- 221.
3. Аҳмад Яссавий. Девони ҳикмат. Т.: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт матбаа бирлашмаси, 1992.- Б. 40; Аҳмад Яссавий. Ҳикматлар. (Ҳикматлар куллийети). -Т.: Ўзбекистон, 2011. – Б. 56.
4. Аҳмад Яссавий. Ҳикматлар. - Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1991. – Б. 31.
5. G'aybullayev O.M. - Milliy g'oya tarixi va nazariyasi. – Toshkent.: Fan va texnologiya, 2019, 576 bet.
6. G'aybullaev O.M. Some aspects and historical factors of integration processes in sphere of globalization of the ecological policy//ISJ Theoretical & Applied Science, 04 (48): 83-86. <http://s-o-i.org/1.1/TAS-04-48-14>.
7. Шодиев Р.Т. Эволюция суфизма в условиях Мавераннахра // Falsafa va hayot халқаро электрон журнал. - 2020.- №1 Махсус сон.// -Б.215-222. DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9505-2020-SI>.
8. Шодиев Р.Т. Суфизм в духовной жизни народов Средней Азии. IX-XII вв.): Автореф. дисс... на соиск. уч степ. доктора филос. наук: -Тошкент, Фан. 1993.
9. Haqqulov, Nabijon Qahramonovich (2020) "International tolerance in the educational views of Siddiki-Ajzi," // Scientific Bulletin of Namangan State University: Vol. 2 : Iss. 10 , Article 46.
10. ХаққуловН.Қ. Сиддиқий-Ажзийнинг ижтимоий-фалсафийқарашлари// Falsafa va Hayot | Философияи Жизнь | Philosophy and Life. -2020.-NoSI-2Б. –Б.162-171.